

Қуръонда чўчка ҳақида

08:55 / 25.02.2018 5332

Савол:

Ассалому алайкум! Бир биродаримиз қуръонни ўқиб чиқдим чўчка ҳақида ёзилмаган эканку деган гап қилибди илтимос ойдинлик киритсангиз шу ҳақида.

Жавоб:

["Зикр аҳлидан сўранг" ҳайъати](#)

Ва алайкум ассалом!

У **“биродариз”** балки бошқа китобни ўқиб, Қуръон деб ўйлагандир. Аллоҳ таоло **“Бақара”** сурасида :

وَلَلْأَرْزَاقُ يُغِيثُ الْحَيَاةَ وَالْمَوْتَ وَاللَّيْلُ نَازِلَةٌ عَلَيْهَا بِاللَّيْلِ وَالنَّجْمُ الْوَهَّاجُ وَالشَّمْسُ وَالْقَمَرُ وَالنُّجُومُ وَالسَّيِّدَاتُ الْمُرْتَضَاتُ وَالسَّيِّدَاتُ الْمُرْتَضَاتُ وَالسَّيِّدَاتُ الْمُرْتَضَاتُ

173. Албатта, У Зот сизларга фақат ўлимтикни, қонни, чўчка гўштини ва Аллоҳдан ўзгага атаб сўйилган нарсаларни ҳаром қилди. Кимки маза талаб қилувчи ва ҳаддан ошувчи бўлмаган ҳолда мажбур бўлиб қолса, унга гуноҳ йўқ. Албатта, Аллоҳ ўта мағфиратлидир, ўта раҳмлидир.

“Моида” сурасида :

وَلَلْأَرْزَاقُ يُغِيثُ الْحَيَاةَ وَالْمَوْتَ وَاللَّيْلُ نَازِلَةٌ عَلَيْهَا بِاللَّيْلِ وَالنَّجْمُ الْوَهَّاجُ وَالشَّمْسُ وَالْقَمَرُ وَالنُّجُومُ وَالسَّيِّدَاتُ الْمُرْتَضَاتُ وَالسَّيِّدَاتُ الْمُرْتَضَاتُ وَالسَّيِّدَاتُ الْمُرْتَضَاتُ

3. Сизларга ўлимтик, қон, чўчка гўшти, Аллоҳдан ўзгага атаб сўйилган, бўғилиб ўлган, уриб ўлдирилган, йиқилиб ўлган, сузишдан ўлган, йиртқич еган ҳайвонлар - магар (ўлмай туриб) сўйиб олсангиз (ҳалол) - ва бутларга сўйилган ҳайвонлар ҳамда чўплар ила фол очишингиз ҳаром қилинди. Бу фиксқдир. Бугунги кунда куфр келтирганлар динингизга зарар етказишдан умид уздилар. Улардан

қўрқманглар, Мендан қўрқинглар. Бугунги кунда сизга динингизни мукамал қилиб бердим. Сизга неъматимни батамом қилдим. Ва сизга Исломни дин деб рози бўлдим. Кимки гуноҳга мойил бўлмаган ҳолида қаттиқ очликда мажбур бўлиб қолса, албатта, Аллоҳ ўта мағфиратлидир, ўта раҳмлидир.

“Наҳл” сурасида :

وَبَلَّغْنَا لِيُغْيَا لِهٖ اَمْرًا وَرِيْزَانًا لِّمَنْ حَلَّوْا مَّذَلَّوْا وَتَيَمُّنًا لِّمَنْ كَفَرْنَا لَعَنَّا رَحْمٰنًا ۗ
مَّيْحَرًا رُّوْفَعًا لِّمَنْ اِنْدَاعَ الْوَعْدَ اَبْرٰهِيْمَ رُطْبًا ۗ اِنَّمَا

115. Албатта, У Зот сизларга фақат ўлимтикни, қонни, чўчқа гўштини ва Аллоҳдан ўзгага атаб сўйилган нарсаларнигина ҳаром қилди. Кимки маза талаб қилувчи ва тажовузкор бўлмаган ҳолда мажбур бўлиб қолса, албатта, Аллоҳ ўта мағфиратлидир, ўта раҳмлидир. (“Тафсири Ҳилол” китобидан). Валлоҳу аълам!